



Илмий – амалий конференция  
материаллари

**ИЛМ - ФАН  
ВА  
ИННОВАЦИЯ**

**Қ а р ш и**

## САНОАТ ГАЗЛАРИДАН ҚОРА ҚУРУМ ОЛИШ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

*Нефт ва газ кимёси ва технологияси  
магистранти Буриев С.  
Илмий раҳбар: С. Лутфуллаев*

Қашқадарё вилояти Республикамизда асосий нефт ва газ саноати ривожланган регион ҳисобланади. Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган газлар, шунингдек, факелларда ёниб турган газ аралашмаларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Саноатимиздаги факеллардан чиқаётган газ аралашмаларидан қора қурум олиш муҳим ҳисобланиб, биринчидан, асосий экологик муаммолардан бири ҳал этиладиган бўлса, иккинчидан, ушбу технологияни жорий этиш орқали ҳукуматимизнинг иқтисодийига катта ҳисса қўшилган бўлади.

Қора қурум ҳозирги кунда полимер композицияларининг асосий фаол тўлдирувчилари сифатида қўлланилмоқда. Қора қурумни олиш углеводородли материалларни термик парчалаш ёки тўлиқсиз ёкиш усулларига асосланган. Қора қурум олишда асосий хом ашёлар бўлиб табиий газ, минерал мойлар ва тошқўмир смоласининг енгил фракциялари хизмат қилади.

Қора қурумнинг қўлланилиш соҳасига боғлиқ ҳолда унинг бир қанча типлари саноат миқёсида ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари қурумни ишлаб чиқариш технологиялари ва усуллари ҳам турли тумандир. Масалан органик хом-ашёни махсус печлар (реакторлар)да ёкиш орқали олинган қурум “печ қурум”лари деб юритилса, табиий газни махсус реакторда ҳавосиз термик парчалашга асосланган усулда олинган қурум “термик қурум” деб юритилади.

Қурумнинг умумий таснифланиши соноат учун хом-ашё (Г-табиий газ, М-минерал мой, ГМ-газ ва мойнинг аралашмаси) номидан ва ишлаб чиқариш технологиясидан келиб чиқади. Майда дисперс қурум газнинг тўлиқсиз ёниши ёки унинг мой билан аралашмасидан олинади. Бунинг учун махсус ёниш камерасидан фойдаланилади. Камерада совитувчи “каналлар” жойлаштирилган бўлиб, унинг устига ёнгиндан ҳосил бўлган қурум ўтиради. Шунинг учун ҳосил қилинган қурумнинг тип

“каналли курум” деб юритилиб, “Д” ҳарфи билан белгиланади ва диффузион курум деб аталади.

Курумни маркалашда қуйидаги ҳарфлардан фойдаланилади: Д-диффузион, П-печ, Т-термик. Сондан кейин қўйилган ҳарфлар крумнинг тузилиш даражасини англатади: В-юкори (высокая), Н-паст (низкая). Сонлар 1 грамм крумдаги солиштирма сиртнинг  $m^2$  ни характерлайди. Соннинг қиймати канчалик катта бўлса крумнинг шунчалик майдаланганлик даражасини билдиради.

Курумнинг характеристикасини тулиқроқ аниқлаш учун курумнинг солиштирма адсорбцион сирти тушунчаси киритилган. Бу қиймат 1 грамм крум сиртига мономолекуляр қават ҳосил қилган адсорбцияланган модда миқдорини ҳисоблаш орқали аниқланади. Агарда адсорбцияловчи сирт юза геометрик сиртдан кам бўлса, бу курумнинг агрегат заррачасини белгилашда фактор бўлиб хизмат қилади.

Курумнинг дона шаклидаги агрегатланиши тузилиш даражасининг ортишига олиб келади, кайсик у “курумнинг мой сони” ни билдиради. Курумнинг мой сони-бу 1 грамм курумнинг дибутилфталатни (мл) сорбциялаш миқдоридир. Бу қиймат агрегатларнинг ички солиштирма ҳажмини ва курум заррачаси сиртининг тармокланишини билдиради.

Қора курумнинг олиш усуллари, технологиялари, тип ва маркаларини ўрганиб чиқиш натижасида ўзимизнинг регион хом-ашёларига таянган ҳолда қора курум ишлаб чиқариш ва уни амалиётга тадбиқ этиш масалалари устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

## **ЭТИЛЕННИНГ ВИНИЛАЦЕТАТ БИЛАН СОПОЛИМЕРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ДЕПРЕССОР СИФАТИДА ИШЛАТИШ**

*Нефт ва газ кимёси ва технологияси  
магистранти Жабборов Ф.  
Илмий раҳбар: З. Хақимова*

Этиленнинг винилацетат билан сополимерлари мономер ҳалқа (звено)ларнинг статистик тақсимланиши билан характерланади. Улар турли молекуляр массага ( $10^3$  дан

12	<i>Abdinazarov S. Varaiyashvili A., Muradov I.</i>	Membranali gaz ajratish qurilmasi	45
13	<i>Бегулов О. Бабаджанова Н. Бабаджанов Ю.Т</i>	Вытекание воды из канала с наклонными стенками	48
14	<i>Маллаев А.</i>	Ешларга кенг имкониятлар!	52
15	<i>Носирова А. Рўзиев Б.</i>	Гельминтларнинг онтогенезида куруклик моллюскаларининг роли	55
16	<i>Омонов О.</i>	Ҳисор тоғ тизмасининг Ўзбекистон "Қизил китоб" ига киритилган эндем ва реликт тур ўсимликларининг камёблик даражаси	57
17	<i>Эшонқулов Э., Давронови Г.</i>	Қашқадарё хавзасининг халқ хўжалигида қўлланиладиган айрим ўсимлик турлари	62
18	<i>Quyutova M. Samatova Sh.A.</i>	Murakkabguldoshlar oilasi manzarali vakillarining qarshi vohasi sharoitida havo haroratiga munosabati	64
19	<i>Bo'ranova M.</i>	Dehqonobod tumani florasida soyabongul-doshlarning tutgan o'rni	66
20	<i>Насриддинова М.</i>	<i>MELISSA OFFICINALIS</i> L. ни вегетатив кўпайтиришга доир	68
21	<i>Халимов М.</i>	Хужайрадаги ҳаётний жараёнларнинг кечинида биомембраналарнинг роли	70
22	<i>Ernazarova Sh. Berdiyev J.</i>	Oltin qo'ng'izlar beda zararlamadasi	72
23	<i>Nazarov M., Murtazuyev B., Abdullayev S.</i>	Qashqadaryo havzasida antropogen laushaftlarning vujudga kelishi	74
24	<i>Jo'rayeva M. Yakubov E.</i>	Smolalar olishning texnologik ketma-ketligini o'rganish	78
25	<i>Буриев С. Лутфуллаев С.</i>	Саноат газларидан қора қурум олиш ва ундан оксидланган фойдаланиш	81
26	<i>Жабборов Ф. Хакимова З.</i>	Этиленнинг винилацети билан сополимерлари ва уларнинг композицияларининг депрессор сифатида ишлатиш	82